

СЕН УЧУН ШЕРГИЯТ

Қатралаб тераман түйғуларни мен,
Тунлардан қуваман уйқуларни мен,
Дүст билиб яшайман қайғуларни мен,
Сен учун шергият, сен учун ижод.

Жонимни жабборга бераман доим,
Рұхимни қийнөқда күраман доим,
Күнгилни әзғилаб юраман доим,
Сен учун шергият, сен учун ижод.

Сүзларни асрайман қароғларимда,
Күз ёшим қотади қовоғларимда,
Тиним йўқ битай деб бармоқларимда,
Сен учун шергият, сен учун ижод.

Ҳаётим шу зайл бўлади охир,
Балки сал мушкулдир, балки сал оғир,
Нетайин, шунаقا яшамоқ фахр
Сен учун шергият, сен учун ижод!

Гуноҳлардан покланиб
Саҳарларга пешвоз чик.
Тонг қушлари келтирган
Хабарларга пешвоз чик.

Яйраб кетсин вужудинг,
Камол топсин сужудинг,¹
Нурга тўлсин худудинг
Назарларга пешвоз чик.

Янги ҳаёт, янги кун
Сени айласин мафтун,
Қайдасан дея дўстим
Сафарларга пешвоз чик.

Бу беш кунлик дунёда
Маъни топгил зиёда,
Хоҳ отда, хоҳ пиёда
Зафарларга пешвоз чик.

Бу шундайин саодат
Бир умр айла одат,
Келса ҳамки фалокат
Хатарларга пешвоз чик.

Кўкрагингни кер, ёху,
Бағрингга кирсин оҳу,
Душманинг тутган оғу,
Захарларга пешвоз чик.

Мард дегани шу бўлар,
Дард дегани шу бўлар,
Панада ётмай агар -
Магарларга пешвоз чик.

Чоршамъ, англасанг айни
Ҳаммаси ишқ туфайли,
Қалбда туғилган янги
Асарларга пешвоз чик.

1-ибодатинг.

Миртемир даъвати

“Халқ ичиға боринг!” деб
Халқ ичиға кетди у.
Жомакорин ёпиниб
Халқ ишиға кетди у.

Касбу-хунари кўп-да
Ярайди ҳар юмушга.
Беминнат хизмат қилар
Ҳатто гадо, дарвешга.

Бу феълу-авторини
Қайдин олган экан-а?
Ё умрбод изланиб
Шаклланган шунаقا?

Сўз учун жонин тикар
У чинакам шоир-да.
Бизчи, битта шеър битсак
Тушолмайин ҳовурдан.

Чопамиз тўрт тарафга
Нималардир тиланиб.
Ё ётамиз ҳавоий
Шон-шухратга беланиб.

Қиёми йўқ, қадри йўқ
Сўзни қўллайверамиз.
Сув ким томонга оқса
Шуни қўйлайверамиз.

Ваҳолангки, ижод бор
Ҳалқона ва мардона.
Навоийу Ҳувайдо,
Машраб, Яссавиёна.

Ибрат эрур шу хайл
Кўз очинг ёш муждалар.
Бугун биқиниб ётган

Шоибу шоирчалар.

Қаранг, бир зот шеър ўқир
Миртемирга ўхшайди.
...Халқ ичига кетганлар
Халқ ёдида яшайди.

БҮШ УЙ

Шўро даврида уй-жойсиз
юрган шоир дўстларга.

Бостириб киришди улар бир уйга,
Бўш экан, ётармиш ўн ойдан бери.
Жўралар жам бўлдик келгандек тўйга,
Шеъриятга кўчди сухбатнинг зўри.

Кўч-кўрон қўтариб қаварган кифтлар
Еттинчи қаватда енгил тин олди.
Эл оғзига тушган шоир йигитлар
Ўзини еттинчи осмонда билди.

“Уйсизликдан улкан баҳтсизлик бор-у,
Уй-жойли бўлмоқдан улкан баҳт йўқ деб.”
Шаҳарда яшашга ўрганганимизки,
Бўш уйда ўйимиз бўш уй ҳақда кўп.

Бўш уй бу – ҳувиллаб ётган юртдайин
Кимнингдир номига хатлаб берилган.
Бўш уй бу – журъатга мухтоҷ соҳибин
Сабру-тоқат тилаб чорлаган Ватан.

Не тақдир кутади дўстларни, билмам,
Бироқ биз етармиз зўр тилакларга.
Ҳайдаб чиқарсалар бўш хоналардан
Бостириб киравмиз бўш юракларга.

СЕН АХИР ШОИРСАН

Ижодни тарк этган шоирларга

Бозорга берилиб кетганинг билан,
Юксак мансабларга етганинг билан,
Гоҳида керилиб ётганинг билан,
Сен ахир шоирсан, барибир, дўстим.

Ҳали айтолмаган азобларинг қўп,
Элга қўрсатмаган савобларинг қўп,
Замон жумбоғига жавобларинг қўп,
Сен ахир шоирсан, барибир, дўстим.

Шундоқ шоирлигинг кўзингдан маълум,
Ҳар нигоҳ, ибора, сўзингдан маълум,
Азалий ўзбеклик – ўзингдан маълум,
Сен ахир шоирсан, барибир, дўстим.

“Ҳайт!” дейсан бир куни феълинг қўзийди,
Илҳом ғолиб келар, қалбинг тўзийди,
Эслай бошлайсан: “бу кимнинг сўзийди”,
Сен ахир шоирсан, барибир, дўстим.

То умринг борича шоир бўлиб қол,
Кўзингни катта оч, юрга назар сол,
Бўлди, етар, қўлга қаламингни ол,
Сен ахир шоирсан, барибир, дўстим.

* * *

Тоғу-тошни тушунмасанг
Тоғу-тошда гуноҳ йўқ.
Дала-даштни соғинмасанг
Дала-даштда гуноҳ йўқ.

Хис этмасанг кенг дунёни
Дунё ҳам дил очмагай.
Тенг тутмасанг шўх дарёни
Дарё ҳам сув сочмагай

Шоирман деб жар солмагин
Жарчи бўлиш осонмас.
Золимларга, жоҳилларга
Қарши бўлиш осонмас.

Жону-танни койитмасанг
Жону-тан ҳам қаригай.
Кўнгил отли кошонадан
Муҳаббат ҳам аригай.

НАФСИ БАДЛАРГА

“Бандаларим орасида шукр
қилувчи оздир”.

**Куръон, Сабаъ сураси, 13-оят
мазмуни**

Атрофимда одамлар
Фақат бойиш пайида.
Изғиб юрар қадамлар
Нақ саратон ойида.

Шайтон йўлига кириб
Ортиарлар гуноҳни.
Қўйиб берсанг бемалол
Кемириб ётар тоғни.

Бойимоқ ҳам ярашар
Хожа Аҳрор Валийга.
Очофат бандаларни
Тортиб кетар домига.

Мен бойищдан қўрқаман,
Бойлик – киshan, қафасдир.
Жонингни банди этган
Ичингдаги нокасдир.

Эй, Яссавий тепган нафс,
Мен ҳам сени тепгайман.
Боболарим яшаган
Капаларга кетгайман!

* * *

Ҳислар эскиради ҳаётинг ўтиб,
Ўйлар соддалашар ғавгодаң йироқ.
Инсон чарчар ҳатто тафаккур этиб
Фақат кўнгил чарчаш билмайди ҳеч вақт.

Ором истаб қолар оёқ, қўл, вужуд,
Тинмай қаҳшаб тураг асабинг таранг.
Ҳатто тўхтагиси келар юракнинг,
Фақат кўнгил тўхташ билмайди, қаранг.

У учмоқ истайди кўкка, ҳавога,
Дунёни тўлдирай дейди навога.
Ўхшалий йўқ унинг, агар бор бўлса
Кўнглимиз ўхшайли фақат худога.

* * *

Ҳар не кўрдим-худодан кўрдим
Ҳар не билдим-билдим худодан.
Иҳтиёrim бериб тамоман
Нажот кутдим ғариб дунёда.

Гоҳо умид узилди тугал
Гоҳо яна туғилди орзу.
Ҳаёт экан, инсон эканман
Тарқ этмади ҳеч қачон туйғу.

Уни маҳкам ушладим доим
Тун-кун менга тутунди ошно.
Дўстим бўлиб, сирдошим бўлиб
Шивирлади қалбимга, илло.

Кам бўлмадим сира дунёда
Кўзларимни узмай зиёдан.
Шукр дейман, шукронга айтиб
Ҳар не топсам-топдим худодан.

ИМКОН ТОПА ОЛ

Учқур бўлиб кетди кўп замон,
Ёвқур бўлиб кетди хўп инсон,
Сен уларнинг ичида бир он
Баҳор учун имкон топа ол.

Синов учун берилган ҳаёт,
Ҳаётингда доим бор нажот,
Инсонлигинг айламай барбод
Дийдор учун имкон топа ол.

Гоҳо кўнгил осмонга учар ,
Гоҳо тубсиз жарликка қулар,
Гоҳо ёлғон қасамлар ичар
Иқрор учун имкон топа ол.

Кимдир сени севмоғи тайин,
Покланарсан севганинг сайин,
Қордайин оқ, пахтадай майин
Дилдор учун имкон топа ол.

Чоршамъ, сени умринг ҳам ўтар,
Қора тупроқ бағрига ютар,
То тириксан бошингни қўтар
Изҳор учун имкон топа ол.

БИЗ ВА ҲАЁТ.

Биз ҳамиша парвойи палак
Оёғимиз тинмай юради.
Бир чеккада эса ҳақиқий
Ҳаёт бизни кутиб туради.

Гоҳ олдинлаб кетамиз ундан,
Гоҳо эса қоламиз ортда.
Ҳаёт эса кутаверади
Биздек ташлаб кетмайди шартта.

У истайди қадрини билсак,
Дардлашсак бир тўйиб юракдан.
Биз-чи, ўша-ўт чиқмас кесак
Бепарвомиз умр ўтса ҳам.

Поён етгач талваса тутиб
Ҳатто сўнгти нафас қолмайди.
Биз кутармиз ҳаётни шунда,
Ҳаёт эса кута олмайди.

* * *

Онамни етаклаб юрдим Тошкентда
Кун бўйи устимдан кулди кўчалар.
Мен қанча хижолат бўлмайин, сира
Онам сездирмаслар – ўша-ўшалар.

Толиққан ҳолларин яширмоқ учун
Дейдилар: “Пиёда юрмоқлик фойда.
Қишлоқнинг йўриғи бошқа демагин,
Тошу-тарози бор ҳар ер, ҳар жойда.”

Тошдай оғир ботиб борар вужудим,
Қайда у эътимод, қайда у паноҳ?
Адо этяпманми фарзандлик бурчин,
Жавоб топа олмай қийналаман, оҳ.

Оҳ, она, онажон муnis ва ғариб
Умрим ганжинаси, умрим маҳзани.
Рози бўлсангиз-у, елкамга олиб
Опичлаб юрсайдим кун бўйи қани.

...Онамни етаклаб юрдим Тошкентда.

* * *

Рұхлар тарқ этмоқда қадим ерларни,
Тоғларга, ғорларга күчмоқда секин.
Бизга азиз бўлиб турган гўрларни
Тунлари қўриқлаб ётар энди ким?

Ким ҳушёр торттиар иймондан тонсак,
Ёхуд бировларни айласак таҳқир.
Иблисга ўхшаблар кетмаяпмизми,
Бизнинг ёзигимиз – инсон-ку ахир?!

... Рұхлар эса озод барибир биздан
Бу давру-давронда юрсак ҳам сарсон.
Оҳ, имкон бўлсайди иккиланмасдан
Рұхларга қўшилиб кетардим тамом.

* * *

Бир куни кетаман узок-узокқа
Хеч ким тополмайди менинг изимни.
Юзимни юваман зилол булоққа
Ва юксак чүккига тикиб күзимни

Овозим борича бир ҳайқиарман,
Майлига ҳайиқсин ёввойи қушлар.
Ичимда борини тўкиб соларман
Бошимдан учса ҳам бор ақлу-хушлар.

Шунда ғуборларим кетарлар тарқаб,
Эркин нафас олиб озод юрарман.
Ким билсин, балки... эҳ ... валийлар алқаб
Кундуз кунларида юлдуз кўрарман.

Балки рухимни ҳам кўкка учириб
Томоша қиласман истаганимча.
Қушлар, капалаклар дил розин айтиб,
Менга оғушини очади ғунча.

Ахир тўйганман-да дунё ғамидан
Озод яшамоққа хаққим бор ахир.
Шундай кетаверса телба бўларман
Мехру-муҳаббатим қолади сагир.

Ўша кун келгунча кетмоғим керак
Бокира ҳисларга йўл бериб аста.
Тайёр тур вужудим, рухим, жон, юрак
Бир куни кетаман узок-узокқа...

НАВОСИЗ КУНЛАРДА

Силлам қуриб борар, наво йўқ , ҳофиз,
Ситиб олмоқдадир бир-бир тасвирлар.
Оппоқ либос кийиб олган ялмоғиз
Ичимда тун бўйи қаҳқаҳа урар.

Уюм-уюм ётган сарғиш қофоз-да
Нажот кутган каби боқар ўғринча.
Гадо тилагандек буюк садақа
Турибман қовушган қўлни чўзгунча.

Аммо толиқтирасар сарғиш ранг кўзни,
Фақат зардоб бўлиб қурир бу силла.
Ялмоғиз, сен бугун бегуноҳ қизми
Бахт деб кираётган баҳтсиз бир йўлга?

Билмайман, билмайман, билсам битардим
Холи қолдирмайин бадбаҳт ҳузурни.
Саволлар, сизни қон каби ютардим
Ютмоқ мумкин бўлса бутун умрни.

Ҳофиз, наво учун не керак асли,
Дараҳтлар соз бўлиб, навда бўлса тор?
Бенажот этаклар изғиб сарсари
Январда сарғайиб турса пахтазор?

Хонанишин одамлар

Хонанишин одамлармиз, хонанишин,
Елкамиздан босиб турар ола хуржун.
Түртта девор орасида яшаймиз жим,
Хонанишин одамлармиз, хонанишин.

Баҳор келиб тоғда гуллар очилса ҳам,
Далаларга ёшлар дурдай сочилса ҳам,
Силжимаймиз кимдир чиқ деб ботинса ҳам,
Хонанишин одамлармиз, хонанишин.

Кўролмаймиз осмон тўла ҳаволарни,
Юлдузлари ёнган тунги самоларни,
Тингламаймиз тоғдан қайтган садоларни,
Хонанишин одамлармиз, хонанишин.

Эрта - ю кеч эрмак бўлар турфа тасвир,
Қалбни қуршай бошлар аста оғу, заҳр,
Дажжол каби қиёматга бошлар охир,
Хонанишин одамлармиз, хонанишин.

Бу маҳқумлик боисини билолмаймиз,
Ақл етиб бир тафаккур қилолмаймиз,
На тирикмиз, на ботиниб ўлолмаймиз,
Хонанишин одамлармиз, хонанишин.

Кўзларимиз ўтмаслашар, мия ғовлар,
Бехаловат лалляямиз кекса говлар,
Касалликлар осонгина бизни овлар,
Хонанишин одамлармиз, хонанишин.

Фақат... гоҳо тушга кирап шўх болалик,
Эзгулик деб яшай деган ўқ болалик,
Энди эса ... йўқ болалик... йўқ болалик,
Хонанишин одамлармиз, хонанишин.

* * *

Дуо асраб юради мени
Улуғларнинг улуғ дуоси.
Йўқса, шунча хавфу-хатардан
Омон қолармидим мен асти.

Ўлим келди бошимга минг бор,
Азроилни кўргандай бўлдим.
Хатто жонга қасд қилмоқ учун
Жар устида тургандай бўлдим.

Аммо ҳар гал сўнгти дақиқа
Ҳаёт завқи устун келди нақ.
Шунинг учун йўлда событман
Шунинг учун топинганим Ҳақ.

Дуо асраб юрсин доимо
Ҳар кимсани дунёда дўстлар.
Шак келтирманг, куфур кетмангиз
Ҳикмат кўпдир дуода дўстлар.

МАШРАБ ВА ЧОРШАМЬ

(ярми ҳазил)

I

Машрабга-қийин бўлган
Гул шахри Намангонда.
Қизлар очиқ юрмаган
У яшаган замонда.

Қанча ёниб-қуймасин
Ишқ бобида бечора.
Ёрга ета олмайин
Юраверган овора.

Таъриф излаб шеърига
Хорижларга кетган у.
Ҳарамга кирганининг
Боиси ҳам балки шу.

Ёр юзини кўрганда
Девона бўлиб қолган.
Ҳақлимни ё ноҳақми
Жазосини ҳам олган.

Шоирнинг эса асли
Ишқи илоҳий бўлган.
Ҳақ аксини қизларда
Кўрмоқ муроди бўлган.

Уни кўплар англамай
Дорга осишган охир.
Тақдирини ўйласам
Ўртанаар юрак-бағир.

Аммо гўзал шеър қолган
Ишқ бобида оловли.
Куйдиради юракни
Ҳамон оташ қалови.

Қайта-қайта ўқийман
Дилимга ҳам ташлаб кўз.
Мен ҳам ишқнинг гадоси
Мени ҳам қийнайди сўз.

II

Машрабга қийин бўлган
Чоршамъга ҳам осонмас.
Энди кўча-кўйларда

Қизлар юрар лорсиллаб.

Қандай таъриф айлайин
Күзим қотса фахшдан.
Шеъримга сўз етмаса
Топай қайси оғушдан?

Жилва қиласар хилватда
Кўзларини сузганча.
Паранжини ичидা
Ноз бўлмагандир мунча?

Ишқи илоҳийни мен
Шулардан ахтарайму?
Ёки дарду-аламда
Кўксимга мушт урайму?

Балки тоғу-тошларга
Чиқиб кетганим маъқул.
Фариштадай бокира
Гуллар ичра яшар ул.

Топсам армон билмайман
Майли ёнай, ўртанай.
Аммо ўла-ўлгунча
Ўшал ёр ишқин деяй.

Ахир унда Аллоҳнинг
Бир зарраси мужассам.
Уни кўрган шоирнинг
Умри бўлар мукаррам.

Дунё чаппа айланиб
Эssa бир замон тафти.
Ким билади, даъфатан
Машраб бўлардим балки?!

* * *

Рауф Парфи шеър битиш олди
Бирам сокин бўлиб қолади.
Кулбасида оҳиста юриб
Ҳамма ёққа разм солади.

Жой-жойини топар китоблар,
Кийим-кечак, идишу-товоқ .
Остона-ю йўлакларгача
“Ўзим” дея супиран узоқ .

Сўнг бекиниб тор хонасига
Курсисига чўкади ёлғиз.
Гарддан халос бўлган гўшада
Гардли юрт-ла келар юзма-юз.

Ёзгич ила қоғозни олиб
Силаб-сийпаб кўради бир-бир.
Сиқиб келган безовта туйғу
Кўкси бўйлаб ўрмалар оғир.

Ва Туркистон дардини туйиб
Туни билан қалқиб туради.
Покланган рух, покланган қалбга
Сўзлар озод оқиб киради.

СОТИЛМАС

Дунё заррасидан нарху-наволи,
Баъзиси бебаҳо, баъзи ҳавойи.
Аммо, молпарастлар, қўйинг савдони
Муҳаббат сотилмас, виждан сотилмас!

Танни бурда-бурда этмоқлик мумкин,
Бола-чақа, жондан кечмоқлик мумкин.
Барини кечирса бўлади, лекин
Эътиқод сотилмас, иймон сотилмас!

Бирор халоватда ётиб кун кўрар,
Бирор дўстларини сотиб кун кўрар.
Умидни ўзингиз, эй нафси бадлар,
Истеъдод сотилмас, ижод сотилмас!

Озод қуш каби рух учгай самога
Тақдири аёндир ёлғиз Худога.
Замонлар эврилур, аммо дунёда
Шеърият сотилмас, шоир сотилмас!

Сотилса, демак, у шоир эмасдир
Элу-юрт, халқига доир эмасдир,
Буюк яратишга қодир эмасдир
Ҳақиқат сотилмас, ҳаёт сотилмас!

ГАДОЛИК

(Шўро даври хотиралари)

Бухоронинг гадолари кўпаймиш,
Ҳар қадамда садақага чўзар қўл.
Сўм узатсанг оёғингда ўлармиш
Тилаб сенга узок умр, ёруғ йўл.

Мен уларга бир-бир тўхтаб тикилдим,
Бир йилда бир ўтдим чўнтақ баҳридан.
Қўл-оёқсиз гавдаларга ўқиндим,
Бирдай дуо олиб кетдим баридан.

Кетдим яна ўз тошимни тергали,
Фақат кўнглим шу сафларда қолгундай.
Турмуши бут бўлмагунча у ҳали
Мажруҳларнинг дардларини олгундай.

Тўйиб-тўйиб йиғлагундай аҳволим,
Туз сепилди яна эски ярамга.
Гадоликни кўрсатмасин худойим,
Гарчи ҳар ким гадодир бу Ватанда.

Хоҳ саратон, хоҳ қаҳратон фаслида
Яшасамда йироқларда беҳузур.
Аммо мен ҳам, аммо мен ҳам аслида
Бухорониг гадосиман бир умр.

ШЕЪР ДАРДИ

Сулаймон Шодиевга

Чўкиб бормоқдадир шоирнинг басти
Бўйнига осганча ҳаёт юкини.
Кузатиб ўйлайман, ажабо, асти
Шу ҳолда яна шеър ёзиш мумкинми?

Фурсат етмайди-ку фарқламоққа ҳам
Атрофда изғиган бўри, тулкини.
Муроса қилмоққа мажбур бўлган дам
Шу ҳолда яна шеър ёзиш мумкинми?

Эҳтимол бир асос бордир кўнглида:
“Ким асрар эътиқод, иймон мулкини?!”
Пуч чиқса ҳақиқат кўзи ўнгида
Шу ҳолда яна шеър ёзиш мумкинми?

Гоҳида кўзида ёнади учкун
Лаблари унутиб қўйган кулгини.
Сўрагим келади оҳиста, секин:
“Шу ҳолда яна шеър ёзиш мумкинми?”

Демак, мумкин экан ёзар шитоб-ла
Сугуриб олгандай юрагидан ўқ.
Фақат алам қиласар менга, атрофда
Уни ўқимоққа элда рағбат йўқ .

МУҚАДДАС УЙ ТАҚДИРИ

(1980-йил хотиралари)

Очиқ савдо этар эмишлар,
Эх, баҳридан ўтар эмишлар,
Беш минг сўмга сотар эмишлар
“Ўтган кунлар” ёзилган уйни.

Сотганларни худо урмасми,
Олганлари бузиб қурмасми?
Пулга чақмоқ гуноҳ эрмасми
“Ўтган кунлар” ёзилган уйни?

Қодирийлар кучи етмайди,
Асл мерос насиб этмайди,
Улар ночор бўзлаб эслайди
“Ўтган кунлар” ёзилган уйни.

Китоб эса бу – кони фойда,
Миллионлар келтирган жойда
Раҳбарларга эсламоқ қайда
“Ўтган кунлар” ёзилган уйни.

Ич-этин еб носиру шоир
Уй-музейга қўшиш керак дер,
Авлодларги асройлик ахир
“Ўтган кунлар” ёзилган уйни!

Хозирча у хувуллаб ётар,
Устоз руҳи аламли кезар,
Ўргимчаклар макон этганлар
“Ўтган кунлар” ёзилган уйни.

Ўзбекистон, қўзларингни оч,
Оёққа тур, қўзғалгил эй, Чоч,
Асрамоққа топғил бир илож
“Ўтган кунлар” ёзилган уйни!

ТОПИШМОҚ ЎЙИН

Ҳаётга

Шаҳар бердим Самарқанд деб
Топишмоғинг топмайин.
Шаҳар бердим, ол, Тошкент деб
Сирайм тап тортмайин.

Мен айрилдим Фарғонадан,
Шаҳар бериб толдим-эй.
Охир кетди Бухоро ҳам,
Мен шаҳарсиз қолдим-эй.

“Энди навбат қайга?” деган
Савол бўлди яшиндай.
Ўзбекистон кетган экан
Таслим бўлдим яширмай.

Ҳаммасини сен олдинг-а,
Қолдирмайин бир дона.
Мен ўша тун томга чиқиб
Йиғлаб тушдим пинҳона.

Топишмоғинг Ватан бўлса
Мен уни қул дебман-а.
Бошқа бири кишан бўлса
Мен уни гул дебман-а.

Эрта қайтиб оламан деб
Топишмоқлар тўқидим.
Мағлубият аламини
Улғайганча кўп уқдим.

Сўнг билдимки, бу дунёда
Топишмоқ экан ҳаёт.
Ва уларнинг ичидаги
Энг сирлиси одамзод.

Гарчи яшаб келмоқдаман
Ютқазилган манзилда.
Қайтиб олмоқ шашти ҳамон
Кетмагандир кўнгилдан.

Шундан бери сени қўмсаб
Йўлларингга қарайман.
Мен ўзимни синамоқни
Сендай дўстдан сўрайман.

Хаёт, энди синайвергил
Тантилигингдан қайтмай.
Не бўлса ҳам бу ҳаётда
Топқирлигинг йўқатмай.

Доим менга атаб қўйган
Топишмоғинг бор бўлсин.
Энди ҳамки тополмасам
Дунё менга дор бўлсин!